



ЁНДИРАДИ,  
КУЙДИРАДИ...

Отабек МАҲКАМОВ:  
ҲАР БИР ИНСОН  
БУЮК УСТОЗ



РУСЛАННИНГ  
РЕКОРДИ

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОВА  
сурат-лавҳаси.

### Ҳаяжонли лаҳзалар

#### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Микрокредитбанк» сармоялари ошмоқда .....	2
Хунарли қизлар ҳеч қачон бекор қолмайди .....	3
Хирмонлар донга, тандирлар эса нонга тўлаётир .....	5
Эҳсоннинг жавоби — эҳсонми? .....	6
Қариндошдан бегона яхши .....	7
Наманганда бахт тўйлари .....	8

#### ҲИКМАТ

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг қадам босиши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқ ва ҳайбатлироқдир.

Абдулқосим  
аз-ЗАМАХШАРИЙ

# ЁНДИРАДИ, КУЙДИРАДИ, ВА...

**Йўқ, бугунги мавзумиз сизу биз эшитаётган ва кўриб кўрмасликка олаётган бир чала-ярим кўшиқ ҳақида эмас, аксинча, ундан-да аянчлироқ манзара — галладан бўшган майдонларнинг ёниб, куйдирилатгани хусусида.**

“Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу куруқ баравар ёнади” дейишади. Ҳар йили шундай ҳолатга ҳаммамиз гувоҳ бўламиз. Кимдир жазоланади ҳам. Лекин аҳвол ўзгармайди. Нега?

Куни кеча ўзим гувоҳ бўлган воқеани эшитинг: Сирдарё вилояти ҳудудида куппакундузи каттакон трасса ёнидаги ҳосилдан (сомон ёки озуқадан эмас!) бўшаган майдонлар ёппасига ёндириб юборилган эди. Йўл чеккасида турган уч-тўрт кишидан: “Нима, бу жойларнинг эгаси йўқми, ким ёқиб юборди?” деб сўрасак, “Билмадик, бирор ўткнчи сигарет отиб юборгандир-да, биз ҳам ҳозиргина етиб келдик”, дейишди. Бизнинг “Бирортангиз лоақал ўт ўчирувчиларга хабар қилсангиз бўлмайди?” Бу ҳолда бутун майдон кулга айланади-ку, ” деган саволимизга бирови “Кимга зарил ака, ундан кўра ёнгани яши-да, иккинчи ҳосилни экишга қийналмаймиз”, дея энсаси қотиброк жавоб берди...

Кейин билдик, аксарият фер-



мерлар ёлланма ижарачилар билан аввалроқ келишиб, мўмай пул эвазига кеч кузгача бу ерларни сотиб юборар экан. Оқибатда халғи шов-возлар ҳатто ҳали сомони йиғиб олинмаган пайкаллари тезроқ ёқиб юборишга шошиларкан.

— Тегишли идоралар вакиллари хабардор бўлиб қолишса, ерфуруш фермер ўламан саттор, менинг умуман хабарим йўқ, кимдир ёқиб кетибди, дея минг битта баҳонани тўқиб ташлайди. Натийжада ҳўлу куруқ-ку майли, энг даҳшатлиси, уч фасл мобайнида заминни тўйинтирган, “ишловдан чиқарган” энг фойдали курт-кумурсқалар, ҳашаротлар батамом қирилиб кетади. Минг афсуски, айрим нафси ҳақалак отган кимсалар барибир қонун

## Бугуннинг мавзуси

билан белгилаб қўйилган жазолардан қутулиб қолишгаётгани ачинарлидир. Она-табиат — атроф-муҳитга қирон келтиришнинг ўзи қанчалар оғир гуноҳ эканлигини бундайлар қачон ҳис қилар экан-а, — дейди журналист-ҳуқуқшунос Рўзибой Қўлдошев куйиниб. — Менинг тақлимим, бизга ризқ-рўз улашгаётган заминни шафқатсизларча ёқиб юбораётган кимсаларга кескинроқ чоралар кўриш вақти етди. Қолаверса, кенг жамоатчилик ҳам томошабин сифатида қараб турмаслиги керак, деб ўйлайман.

— Қашқадарё, Сурхондарё вилоятининг аксарият туманларида сомон-похоллар қолдирмай йиғиб олинади. Сабаби, уларнинг турганбитгани чорва моллари учун емиш-озуқа ҳисобланади. Тошкент томонларда эса уюлдан қўрмай сомон-пояларни ёқишгаётганини кўриб ёқамни ушладим, — дейди дехқон Чори Қосимов ташвишга тушганча.

— Бизнинг Фарғона тарафларда одамлар галла майдонларини ёқишдан кўрқадди. Нега десангиз, бундай нонкўрликнинг ҳам эртага жавоби бор, ахир! — дейди “Умид” фермер ҳўжалиги раҳбари Имомали Назаров. — Кекса дехқонлар, мутахассис олимлар ҳам имкони борича ҳосилдан бўшаган жойларни “дам олдириш” лозимлигини кўп таъкидлашади. Чунки келгуси йил ҳосилига шу йўсинда замин яратилади. Бизни едирган, ичирган, тўйдирган ерни ёндириш...она заминга хиёнат эмасми?

Демак, бугун юртимизнинг қайсидир бурчагида нафсига қўл бўлган кимсалар айби билан саховатли далалар ёндирилаётган экан, эртага бу каби нохуш ҳолат бизнинг қалбимиз ва виждонимизни ҳам куйдиришини унутмайлик.

Норқобил ЖАЛИЛ

## Жараён

### ЁШ МУСАВВИР КўРГАЗМАСИ


Яқинда “Соғлом авлод учун” жамғармасида ёш мусаввир Камила Сағатованинг шахсий кўргазмаси очилди ва юртимиздаги коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ҳамда Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчиларини бир ерга жамлади. Унда муаллифнинг натюрморт, пейзаж, компьютер графикаси жанрларидаги турли-туман асарлари тақдим этилди. Ёш рассомнинг ёрқин рангларида бой асарларини томоша қилар экансиз, она юртга, унинг меҳнатсевар халқига бўлган юксак муҳаббатини ҳис қиласиз.

— Бугунги кунда тўғарагимизда 350 дан ортиқ ўқувчиларимиз малакали мутахассислар қўли остида турли илм касб-хунарларни ўрганишмоқда, — дейди “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёти марказининг маданий ишлар ташкилотчиси Исмоил Исроилов. — Камила Сағатова энг фаол ва иқтидорли ўқувчиларимиздан. У 2012 йилда “Янги авлод” кўрик-танловида қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. “Қушлар овози”, “Капалаклар”, “Гуллар” ҳамда “Она табиат” номли асарларидаги турли рангларида унинг қалби нечоғлик беғубор ва серғайрат эканлигини кўриш мумкин.

Севара НАЗАРОВА,  
Тошкент давлат Шарқшунослик  
институтини талабаси.

### ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛМОҚДА

Бугунги кунда республикада фуқароларга биометрик паспортлар топшириш жараёни қизғин давом этмоқда. Бу муҳим тадбир Тошкент вилоятига қарашли Чирчиқ шаҳрида ҳам ўзига хос руҳда олиб борилмоқда. Бу ҳудудда 147 минг 420 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 117026 нафар фуқаро тўрт йил ичида биометрик паспортга эга бўлиши режалаштирилган эди. Шу кунгача 26476 нафар аҳоли ҳужжатлаштирилди. Уларнинг 902 нафари 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир.



Кунига ўртача 220-225 та биометрик ҳужжат топширилмоқда. Мурожаат этувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида иккита биометрик маълумотлар йиғиш пункти ташкил этилган. Шунингдек, юртдошларимизнинг имкон қадар вақтини тежаш мақсадида йирик корхона ва маҳаллалар қошида тегишли ҳужжатларни тўлдиришда ёрдамчилар гуруҳи шаҳар ҳокими қарорига биноан тизимли жадвал асосида фаолият олиб бормоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, биз кенг жамоатчилик орасида биометрик паспортнинг қулайлиги ва замонавий талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган афзалликлари хусусида тарғибот ишларини ҳам олиб бораёмиз.

Баҳоидир РАШИДОВ,  
Чирчиқ шаҳар ИИБ паспорт  
бўлимаси бошлиғи.

## Тадбир

### РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари анжумани доирасида ижтимоий-маърифий тадбир ташкил этилди.

“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилган мазкур тадбир Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари ҳамда уларнинг давомчилари бўлган иқтидорли қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини кучайтириш, уларнинг етакчилик қобилиятини юксалтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Маълумки, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказиб келинаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг анжумани эса қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш йўлида муҳим қадам бўлмоқда. Бу йил анжуман доирасида ўтказилаётган ҳар бир тадбир қизларнинг жамиятдаги фаоллиги ошишида маҳорат мактабига айланмоқда. Бу галги тадбирда ҳам совриндор қизлар депутатлар, сенаторлар ҳамда сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” раҳбарлари ва фаол хотин-қизлар фаолияти билан муфассал танишди.

Қизгин мулоқот чоғида Зулфияноним издошларига айланган қизларнинг халқимиз, Ватан олдидаги масъулиятини янада кучайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

### ФАОЛЛИК КУЧАЙМОҚДА

Мамлакатимизда очик фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис уларнинг турли соҳадаги иш-хотларда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишлари учун мамлакатимизда зарур шарт-шароит яратилган. Мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлар спорт, ёшлар, ҳуқуқий ва демократик институтларни мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар, ногирон ва имконияти чекланганлар манфаатини ҳимоя қилиш, маданият, маърифат ва тарих йўналишлари, касба уюшмалари, хотин-қизлар кўмитаси тизими, фахрийлар, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари юртимизда миллий маданият марказлари ҳам фаолият кўрсатиб, турли миллат ва элатларнинг тили, анъаналари, урф-одатларини асраб-авайлашга хизмат қилаяпти. Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Шарқ аёли” халқро аёллар жамғармаси, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси, “Хаёт учун” уюшмаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Истиклол” ёшлар тараққиёти бадиий-ижодий уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ибратли ишларни фахр билан тилга олиш мумкин.

Мамлакатимизда демократик иш-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу жараённинг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказишда давлат органлари қатори нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол қатнашишди.

Матлуба НЕГМАТОВА,  
Каттақўрғон шаҳар 1-сон ДНИ нотариуси.

# “МИКРОКРЕДИТБАНК”

## САРМОЯЛАРИ – ТАДБИРКОРЛИК БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкнинг янги филиали очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хўжайли тумани ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, шунингдек, яқинда касб-хунар коллежини битирган бир гуруҳ ёшлар иштирок этишди.



Маълумки, Микрокредитбанк бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Банк ташкил этилган илк кунларданок, кўрсатиладиган микромолиявий хизматларнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди ва асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиал ва минибанклар тизими орқали молиявий инфратузилма кенгайтирилишига қаратилди. Натижада бугунги кунда республикамиз бўйича банкда 84 та филиал, 188 та минибанк ва 100 га яқин агентликлар фаолият юритмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида банкнинг 5 та филиали ва 18 та минибанки фаолият юритиб келаётган эди. Ушбу минибанкнинг филиалга айлантирилиши натижасида филиаллар сони яна биттага

кўпайди. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан республика миқёсида иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган микрокредитлар миқдорини 243,5 млрд. сўмга етказиш ва мазкур кредитлар ҳисобига республикада 106 миңдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш кўзланган бўлса, йилнинг 1 июль ҳолатига кўра соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматлар кўлами 125,4 млрд. сўмни ташкил этди. Хусусан, 26,1 млрд. сўмлик имтиёзли маблағлар бошланғич сармоияни шакллантириш учун йўналтирилди. Энг муҳими, мазкур кредитлар ҳисобига 55 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, банк томонидан таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 11,9 млрд. сўм, тадбиркор аёлларга эса 27,5 млрд. сўм миқдоридики микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун банк томонидан ўтган ярим йил мобайнида 16,6 млрд. сўм миқдоридики кредитлар ажратилди. Мазкур кредитларнинг қарийб 9 млрд. сўми имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Натижада худудда 3500 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлиги учун 1,3 млрд. сўм, касб-хунар коллежи битирувчилари учун 460 млн. сўм миқдоридики кредит маблағлари йўналтирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги филиал Хўжайли тумани аҳолиси учун нечоғлик кенг имкониятлар очиб бераётгани, келгусида ушбу муассаса юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафни янада кенгайтиришига хизмат қилишини эътироф этдилар.

Анжуман доирасида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган махсулотлари кўрғазмаси намойиш этилди. Шунингдек, ўзининг пухта бизнес режаларига эга бўлган ёш тадбиркорларга “Микрокредитбанк” томонидан имтиёзли сармоя олишлари учун сертификатлар топширилди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан мамлакатимизнинг чекка худудларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!» шiori остида саломатлик ҳафталиклари бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ўтказилаётган тиббий кўриклар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Жорий йилда мазкур тадбир ўтказилишидан аввал кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб борилди, ҳафталик ўтказиладиган худудларда аҳоли бу ҳақда хабардор этилди, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Самарқанд вилоят филиали раҳбари Лайло Алматова. — Натижада 2013 йилда тиббий кўриқдан ўтиш истагида бўлганлар сони аввалги йиллардагидан икки бараварга кўпайди. Бу галги саломатлик ҳафталикларига аввалгидан кўра кўпроқ тиббий кўриқдан ўтказувчи мутахассислар жалб этилди. Илгари бир туманда ўтказилаётган тиббий кўриқда бир-иккита ультратовуш аппарати ишлатилган бўлса, бу йили тўрт-бешта аппаратлар ва бошқа жиҳозлар қўлланилди. Қолаверса, туман тиббиёт бирлашмалари бугунда ҳар қандай замонавий шахар шифохоналаридан қолишмайдиган даражада шароитларга эга эканлиги ишимизни сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлди.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказнинг юқори малакали мутахассислари, профессор-олимлар иштирокида ўтказилган саломатлик тадбирлари учун вилоятимизнинг Пайарик, Тайлоқ

## САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИКЛАРИ: улкан ғамхўрлик самара бераётир

туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри тиббиёт бирлашмалари асос этиб олинди. 20 миңг 200 нафардан зиёд тиббий кўриқдан ўтган аҳолининг 2400 нафарга яқинини нафақадагилар, қарийб 14 миң нафарини аёллар, 3400 га яқинини 18 ёшгача бўлган болалар, 1000 нафарини ногиронлар ташкил қилди. Ун бир нафар мутахассис, хусусан, окулист, кардиолог, терапевт, хирург, травматолог, эндокринолог, невропатолог, педиатр, ЛОР кўриги ҳамда УТТ аппарати текширувидан ўтган аҳоли ўртасида аниқланган касалликлар бўйича аниқ тавсиялар берилди. Ўтказилган текширувлар натижасида 20 миңдан зиёд одамларда турли хасталиклар борлиги аниқланди. Улар орасида юрак-томир тизими касалликлари 2300 тани ташкил қилган бўлса, нафас олиш тизими хасталиклари 467 та, марказий нерв тизимида нуқсонли борлар 1300 тани, шунингдек, яна бошқа айрим дардларга чалинган беморлар ҳам аниқланди. 14 миңг 200 нафарга яқин кўриқ қатнашчиларига аниқ тавсиялар берилди. 12 миңг 196 нафарга амбулатор, 2047 нафарига стационар шароитда даволанишга, шунингдек, 1577 нафарига вилоятдаги шифохоналарда даволаниш учун, 209 нафар беморга эса республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказига бепул даволаниш учун йўлланма берилди.

— Мен бир йил давомида хорижда ишлашимга тўғри келганди, — дейди кўриқ иштирокчиларидан бири Малика Тоштемирова. — Лекин шу орада соғлигим ёмонлашди. Бунни қарангки, у ерда ҳатто оддийгина касаллик ташхисини аниқлаб олишим учун ҳам анча пайтгача у шифохонадан бунисига қатнашимга тўғри келганди. Шунинг учун касалим анча ўтиб кетди. Ватанимга қайтиб келгач, дарҳол даволандим. Ҳозир анча яхшиман. Катта миқёсда ташкил этилган бундай бепул тиббий кўриқ аҳоли учун улкан ғамхўрлик. Соғлигининг қадрига етганлар бунни албатта тушунишлари керак.

Ўз мухбиримиз.

## ҲУНАРЛИ ҚИЗЛАР

### ҲЕЧ ҚАЧОН БЕКОР ҚОЛМАЙДИ

Кундалик ҳаётимизда машиий хизмат турларига кунда бўлмаса-да, аммо тез-тез ишимиз тушиб туради. Қолаверса, аҳолининг иш билан бандлигида ҳам машиий хизмат турларининг кенгайтириши муҳим ўринда туради. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 70 фоизи машиий хизмат турларида фаолият кўрсатишининг ўзиёқ буни исботлаб турибди.

Самарқанд вилояти Пайарик тумани Челак шаҳридаги «Баҳор» машиий хизмат уйи узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатади. Унда бугунги кунда 70 га яқин киши иш билан таъминланган. Кейинги йилларда мазкур бинода янгидан-янги хизмат турлари очилиб, аҳолига қулайлик яратилмоқда. Айни пайтда бу ерда 15 турдаги сервислар иш олиб бормоқда.

— Жорий йилда корхонамиз 65 миллион сўмлик кре-

дит олиб, мавжуд тикувчилик цехини янада кенгайттирдик, — дейди муассаса раҳбари Ҳалима Ҳайиткулова. — Яқиндагина машиий хизмат уйи қошида ташкил этилган тикувчилик цехига 17 та замонавий тикув жиҳозлари олиб келдик. 15 нафар коллеж битирувчилари иш билан таъминланди. Бу замонавий тикув машиналарида ишлашни мукамал ўрганиш учун яқинда тикувчи қизлар ўз малакасини ошириб келади. Айни пайтда буюртмалар қабул қилиш билан бир қаторда халқ истеъмолчини ўрганган ҳолда тайёр махсулотлар ишлаб чиқараёмиз. Наргиза Рўзимуродова, Феруза Азимова ва бошқа тикувчилар ўз устларидан тинимсиз ишлаш билан

бирга хунарларини ёшларга ўргатишаётир. Қолаверса, корхонамизда касаначилик асосида ўн нафарга яқин хотин-қизлар фаолият юритади. Ҳа, жорий йилда иш ўрнига эга бўлган қизлар фақатгина «Баҳор»да ўз фаолиятини бошлагани йўқ. Туманда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун ёрдам бериш юзасидан йил бошидан буён қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Жорий йил бошидан бери ҳар бир маҳаллада бўш ўтирган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди, — дейди Пайарик туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Ахтамова. — Ишга муҳтож

хотин-қизларнинг лаёқати, касби тўла ўрганилди. Натижада 1314 нафар аёлларнинг ишга муҳтожлиги аниқланди. Уларнинг касаначилик асосида фаолият юритишларини тарғибот қилиш мақсадида Хўжаобод, Тўполов, Қаҳрамон, Қирқовул, Гўзал, Мустақиллик, Култўсин, Гулистон, Бунёдкор маҳаллаларида давра суҳбатлари ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан беш маротаба, яъни Пайарик машиий хизмат, тиббиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис, иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежлари ва Самарқанд шаҳридаги Йўлбарслар хие-

бонида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Рўйхатга олинган 1314 нафар хотин-қизларнинг 802 нафари жорий йилнинг беш ойи давомида корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларига ишга жойлаштирилди.

Қолаверса, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи ҳамда кенгайтирмақчи бўлган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида кредитлар ажратилди. Жумладан, айти пайтгача асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ва улар бошқарадиган кичик корхоналарга умумий ҳисобда 250 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Гулрух МҮМИНОВА,  
“Оила ва жамият”  
мухбири.

Бандлик дастури амалда!

Таникли актёр ва ҳуқуқшунос Отабек МАҲКАМОВ — 1984 йил 5 сентябрда Тошкент шаҳрида тугилган. Марказий Европа ҳуқуқшунослик университетини тугатган. Юридик фанлари доктори, таржимон. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар ва бухгалтерлар миллий ассоциациясида Халқаро ва миллий корпоратив ҳуқуқ бўйича дарс беради. Эллиқдан ортиқ киноларда яратган катта-ю кичик роллари билан мухлислар эътиборини қозонган.

Отабек МАҲКАМОВ:

## ҲАР БИР ИНСОН БҮЮК УСТОЗ

— Отабек, асли касбин-гиз ҳуқуқшунос бўлса-да, кўпчилик сизни актёр сифатида танийди. Эл назарига тушгани сайин санъаткорнинг зиммасидаги масъулият юки тобора ортиб бораверади. Шундай эмасми?

— Актёрми, хонанда ёки бастакорми, ким бўлишдан қатъи назар, санъаткор саҳнага кўтарилгани, энди унга минглаб, миллионлаб нигоҳлар қадалади. Биз ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, кийинишимиз, спектакль ёки кинофильмлардаги роллар орқали айтадиган сўзимизда ҳам халқимизнинг гўзал ва бетакрор маданиятини ифодалашимиз керак. Актёрларнинг юриш-туришига минглаб ёшлар ҳавас билан қарайди, тақдир қилади. Яқинда виллоятларда томошабинлар билан учрашувлар ўтказиб қайтди. Ёшлар билан суҳбатлашдик. Ҳаётини тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Уларнинг бераётган саволларидан дунёқарашининг кенглигини билиб олиш қийин эмасди. Кўп ўтмай, ота-оналардан телефон кўнғироқлари бўлди. Айтишларича, биз билан учрашган ёшларнинг кўпчилиги тил ўрганишга, билимларини янада кенгайтиришга ҳаракат қилишаётган экан. Демак, биз нафақат ихро этакдиган ролларимиз орқали, балки ҳаёт тарзимизда ҳам мухлисларга ўрнак, ибрат бўларканмиз. Бу масъулиятнинг юки эса анча залворли.

— Ҳуқуқшунос сифатида ҳам, актёр сифатида ҳам чет эл сафарларида бўласиз. Хорижий ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги тутумларига ҳам эътибор берганми-сиз?

— Европа давлатларидан Франция, Англия, Австрияда ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муомала маданияти менга умуман ёқмайди. Агар ота-онага пул керак бўлса, фарзандидан қарз олиб туриши учун тилхат ёзилиб, нотариус орқали тасдиқлашти олинади. Ота-оналар кексайганида Саховат уйига олиб бориб ташлашни ҳам улар учун оддий ҳол. Мен бу нарсани тушунамайман, тушунишни ҳам истамайман. Италиядиларда оилани аёл киши бошқариши керак деган тушунча мавжуд. Аёл эркакларга қараганда кенгрок ўйлайди,



муаммоларни ҳам келажакда қайталанмайдиган қилиб халқ этишига эришади деб ҳисоблашади. Осие давлатларидан Япония, Корея, Хитойдаги тарбия, турмушга бўлган муносабатлар менга кўпроқ ёқади. Япониялик ота-оналар болага беш ёшгача подшоҳлардек муносабатда бўлишадди. Беш ёшдан ўн беш ёшгача эса қаттиққўллик билан тарбия беришадди. Яъни унинг олдида максимал билим олиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш мажбуриятини юк-лашади.

Лекин ота-онага бўлган ҳурмат, эътибор, меҳр-оқибатни, фарзандлар тарбиясидаги масъулиятни ўз юртимиздагидек ҳеч қайси давлатда кўрмадим ва эшитмадим.

— Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Тушқунлик, йўқотишлар. Шундай вазиятлардан қандай чиқиб кетасиз?

— Кўпчилик мени ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ, бахтли инсон деб ўйлайди. Менинг ҳам ўзимга яраша муаммоларим бор. Энг даҳшатлиси, бир кунда ота-онамдан айрилганман. Ушанда қаттиқ депрессия (тушқунлик) ҳолатини бошимдан кечирганман. Буни душманимга ҳам раво кўрмайман. Инсон кўз ёшларини ҳеч кимга кўрсатмай яшаши керак. Тушқунликни енгиш йўллари жуда кўп. Масалан, мен шундай пайтларда келажаким ҳақида ўйлайман. Бўлажак рафиқам, тугилажак фарзандларим ҳақида ширин хаёлларга бериламан. Олдинда ўзимни қандай ютуқлар кутиб турганини башорат қиламан. Психологияда ҳар қандай фикрнинг моддийлашиши мумкинлиги тасдиқланган. Шунга қаттиқ ишонаман. Кўп китоб ўқийман. Ўзбек мумтоз шоир-

ларидан Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобургазалларини ўқиганимда ўзимни худди фикрлар уммонида сузаётгандек ҳис этаман. Уларнинг асарлари мағзини чакқан ҳар бир инсон ўзини кучли сезиши табиий. Жаҳон классик бастакорлари Моцарт, Андреа Бочели, Эннио Морриконе-ларнинг асарларини эшитаман.

— Ўзбек оналари ҳаммаша ўзи емай боласига едиради, ўзи киймай фарзандига кийдиради. Нуридийдам ўзимдан кўра яхшироқ яшасин дейди. Уларнинг ҳам ўзларини ўйлайдиган давру даврони келмади-микан?

— Аллақачон келиб бўлган. Фақат бу нарсага уларнинг ўзлари амал қилишни хошлармикан? Ушбу саволингизга бир воқеани мисол қилиб айтсам. Куни кеча аямининг яқин бир дугонаси (айрим сабабларга кўра, бу аёлнинг исмини сир тутишни лозим кўрдик) кўнғироқ қилиб, ёшлимизда рўй берган бир воқеани ёдимга солди. Ухлашга ётишдан олдин мева ейишга одатланганмиз. Аямининг дугонаси меҳмонга келган куни музлаткичада бир донагина олма қолган экан. Ая олмани бўлиб, опам иккимизнинг (синглим Мадина-бону ҳали туғилмаган эди) қўлимизга тутқазди. Сўнг бизга қараб: “Энг яхши нарсан кимга бериш керак?”, деди. “Оналарга”, дедик опам иккимиз. Аям олма бўлақларини қўлимиздан олиб қўйди. Бу воқеани кузатиб турган дугонаси: “Раъно, бу нима қилганинг, ахир болаларнинг сазасини ўлдирди-ку”, деб койганлариди, аям “Фарзандлар ҳам ота-онага ҳаммаша энг чиройли, энг яхши нарсаларни тортиқ қилишни ўрганишлари ке-

### Гурунг

рака”, деганди. Мана шу воқеа ҳам 20 йилдан ошибди... Яқинда шу аёлнинг фарзанди музлаткичадаги нокни ювиб, ҳаммага тарқатиб, энг чироганини ойисига берибди. “Қизим, нимага бундай қилдинг”, деса, “Ойи, барибир энг ёмонини ўзингизга оласиз-ку”, деб жавоб берибди. “Эрталабгача ойингни эслаб йиглаб чиқдим”, дейди ўша аёл кўзларида ёш билан...

— Қандай фазилатли аёлларни хурмат қиласиз?

— Раҳматли аям Раънохон Маҳкамова мен учун умримнинг охиригача идеал аёл бўлиб қолади. У киши ҳаммаша ҳаётга теран нигоҳ билан қараган. Менинг касб танлашимда ҳам, ҳаётда озми-кўпми ютуқларга эришимда ҳам ул зотнинг панд-насихатлари сабаб бўлиб келаяпти. Устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокировага ҳам меҳрим ва ҳурматим чексиз. Гавҳар опанинг характеридаги соддалик ортида чиройли хулқ-атвори кўраман. У киши атрофдагиларга сохта муомала қилишга, чиройли томонларини кўрсатишга ҳаракат қилмайди. Бировларни лол қолдирадиган яширин яшаш усуллари ҳам йўқ. Одамларни ҳам қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Раҳматли Жамшид ака билан ўрталаридаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатларига ҳавас қилиб келганман. Мен ҳам келажакда мана шундай оила соҳиби бўлишни орзу қиламан.

— Эшитишимизча, сиз бешта хорижий тилни мукамал билар экансиз. Тил билиш орқали қандай ютуқларга эришдингиз?

— Гётеннинг “Инсон ўз она тилини яхши тушуниб ётиши учун чет тилини билиши шарт”, деган яхши бир гапи бор. Ёшлимдан рус боғчасига бордим, рус мактабига ўқидим. Кейин таҳсилни Европа университетига давом эттирдим. Оила даврасида ҳам кўпроқ рус тилида сўзлашганимиз учун ўзбек тилини яхши гапира олмасдик. Уч-тўрт йилдан бери ўзбек тилини мукамал ўрганаппман ва жуда раво гапирипман. Тил бу — восита. Шу орқали мен кўпгина ютуқларга эришдим, дўстлар орттирдим. Голливуддаги актёрлар орасида ҳам дўстларим жуда кўп. “Уйда ёлғиз” (“Один дома”) фильмининг бош қаҳрамонини ўйнаган Маккалэе Калкин, “Такси” фильми режиссёри Жерар Кравчик каби дўстларим билан ҳаммаша боғланиб, суҳбатлашиб тураман.

Сўзимни Конфуцийнинг бир гапи билан якунламоқчиман. “Бу дунёда бизга ҳеч ким дўст эмас, душман эмас. Лекин ҳар бир инсон биз учун буюк устоз”.

“Оила ва жамият”  
муҳбири  
Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.



**ТУЗУК** — тилимизда “дуруст”, “тўғри” маъноларини аниқлаётган “тузук” сўзининг туб илдизи “тартибга сол” деган мазмунни ифодалаган. “Туз” сўзининг «текис ер», «текислик», «ростлик», «тўғрилиқ» деган маънолари ҳам бор. Шунингдек, “тузук” сўзи “қонун қоидалар тўплами”, “низом” мазмунини ҳам ифодалаган.

**Ўзи тузук шоир, лекин танқидни кўтармагани ёмон.**

Абдулла Қаҳҳор

**Амир Темур тузуқлари катта тарихий аҳамиятга эга.**

Газетадан

**ЎТИН** — ёқиш учун тайёрланган ёғоч тилимизда “ўтин” деб аталади. Ҳўш, бу сўзнинг асл ўзаги қандай маънога эга? “Ўтин” сўзи “ён”, “олов” маъносидаги “ўт” сўзидан келиб чиққан.

**Ўчоқда ёнаётган ўтиннинг чисирлаган товуши кеча сукунати-ни бузарди.**

Журналдан

**ЎТОВ** — очик майдонда гумбаз шаклида тикланадиган кўча турар жой маъносини ифодалаган “ўтов” сўзининг туб илдизи олов маъносидаги “ўт” сўзига бориб тақалиши “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳлаб ўтилган. Ушбу изоҳга кўра, “ўтов” сўзи қадимги тилимизда “олов ёқ” деган маънони билдирган “ота” феълидан пайдо бўлган.

**Раҳмонберди Холбой чўпоннинг ўтовига яқинлашганда, олапар ётган жойидан сакраб туриб, ваҳимали хурпайди-да, унга қараб ириллади.**

Журналдан

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# ХИРМОНЛАР ДОНГА, ТАНДИРЛАР НОНГА ТЎЛАЁТИР

Ободлик кўнгулдан бошланади

Айни дамда республика-мизнинг барча ҳудудларида галла йигим-терими якунига етмоқда. Кўзларни қувонтираётган олтин донли карвонлар хирмонларимизни донга, тандирларимизни нонга тўлдириб, элимизнинг фаровонлиги, тўкин-сочин яшашига замин яратади. Тошкент вилоятининг Бўка тумани гал-

ҳамда "Шаҳзода Наврўз" фермер хўжалиги раҳбари Карима Абдураимоваларнинг бугун юзлари ёруғ.

— Ҳалол ишлаган одам ҳеч қачон хор бўлмас экан, — дейди **"Ўткирбек Санжарбек" фермер хўжалиги раҳбари Зулфия Ҳалимова**. — Бундан ўн уч йил аввал шу фермер хўжалигини таш-

тинч-тотув, аҳил яшаб, тўрт фарзандни меҳнаткаш, билимли қилиб тарбияладик. Саховатли ердан ортирган даромадимизга болаларни олий ва ўрта махсус ўқув юр-тларида ўқитиб, тўйлар қилдик.

Бу йил 20 гектару 60 сотих ерга чигит экканмиз, айни пайтда гўзаларнинг ўсиши ёмонмас. 16 гектар майдондаги галладан мўл ҳосил етиштириб, режани 110 фоизга уддаладик. Қолаверса, 25 гектарлик



лакорлари бу йил ҳам баракали ҳосил етиштириб, зиммаларидаги шартнома мажбуриятларини ошириб бажардилар. Бу улкан муваффақиятда тумандаги "Кўкорол" фермерлар уюшмасига қарашли "Ўткирбек Санжарбек" фермер хўжалиги аъзоларининг ҳам муносиб улушлари бор. Мазкур хўжалик раҳбари Зулфия Ҳалимова

лар экан. Лекин машаққатли меҳнатларимиз натижасиз қолмади. Йилдан-йилга ҳосилимиз мўл бўлгани сайин ўзимизга ишончимиз ҳам ортди. Тақдир тақозоси туфайли Наманганнинг Чустидан бу ёқларга келганмиз. Худойимга минг қатла шукрки, деҳқончиликка меҳр қўйиб, баракат топдик. Турмуш ўртоғим Алижон ака билан 32 йилки

лалми ерларимизни аста-секинлик билан ўзлаштиришни режалаштирганмиз. Хўжалигимизда доимий ва мавсумий ишлайдиганлар бор. Зулхумор ҳамда Матлуба Ҳакимқулвалар энг яқин ёрдамчиларим. Шунингдек, Гулистон маҳалласи маслаҳатчиси Зулхумор Мамасолиеванинг маслаҳати ва кўмаги билан ҳашарлар уюштириб турамиз. Фарзандларимнинг бари заминга меҳр қўйган. Ўз хизмат вазифаларидан бўш пайтларида ёрдам бериша-

ди, барака топишсин.

\*\*\*

— Ер инсониятнинг онаси, деб бежизга айтишмаган экан, — дейди **"Шаҳзода Наврўз" фермер хўжалиги раҳбари Карима Абдураимова**. — Унга берган меҳ-

лари бугун ҳам рўзгоримизни обод қилиб турибди. Бу воқеани эслаётганимнинг боиси, айнан истиқлол насими ўша йиллардаёқ бизнинг ёш оиламизга бир дунё шодлик улашган. Тўрт фарзандни умид билан катта қилдик. Кўз тегмасин, ҳаётда ҳаммаси ўз ўринларини топишяпти.

13 йил аввал 42 гектарлик ер майдони билан фермерлики бошлаган эдик. Биласиз, ерга безътибор бўлиш ярамайди. Қайта ишловлар, минерал ва маҳаллий ўғитларни ўз вақтида солиш каби юмушлар жиддий масъулият юклайди. Деҳқон парвариш-лаб, саралаб, эл дастурхонига тортиқ этаётган ҳар бир маҳсулотнинг ўз қадр-қиммати бор. Бу йил айниқса галлачилик соҳаси учун жуда баракали келди. Режадан орттанини ишчиларга тарқат-япмиз. Насиб этса, келгуси йилдан фермер хўжалигимизда чорва моллари боқиб, аҳолини сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни ҳам режалаштиряпмиз.

Она замин каби бағрикенг ва саховатли бу кишлоқ аёлларининг юз-кўзларидан ёғилаётган гайрат ва шижоатдан кўнгуллар ёришади. Улар каби захматкаш деҳқонларнинг меҳнати туфайли ердан унган риқ эл-юртага барака бўлиб ёғилаверади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

Тошкент вилояти.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

## БАҒРИКЕНГЛИК БЕШИГИ

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гоёларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Азал-азалдан она юртимизда ислом, христиан, иудийлик, буддавийлик каби дин вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Тарихимизнинг энг мураккаб даврларида ҳам улар орасида диний асосда моҳаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик масаласида улкан тажрибага эга эканидан далолат беради.

Ўзбекистонда яшаб фаолият кўрсатаётган турли дин вакилларининг маънавий дунёси, эътиқод эркинлиги учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб кенг йўл очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити ўрнатилиши учун барча шароитлар яратилган. Ўтган 22 йил мобайнида бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик тўла таъминланди. Бугун мамлакатимизда 15 диний конфессияга мансуб 2000 дан ортик диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ислом университети, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти ишлаб турибди.

Техника ва глобаллашув асрида мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари диний эътиқодларига зид бўлган зарарли оқимларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, ёш авлодни ёт гоёлар таъсиридан сақлаш бош вазифага айланди. Бу ишда айниқса таълим-тарбиянинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳам бугунги кунда юртимизда бой тарихий-маънавий мерос, миллий қадрият, урф-одат ва аъналар асосида миллий ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихори юксалган, умуминсоний қадриятлар, замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари асосида дунёқарашли шакланган барқамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимиз ривожини таъминлаш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда тинчлигимиз ва фаровон ҳаётимизга хавф туғдирадиган ҳар қандай таҳдидлардан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг, айниқса келажақ авлодимиз бўлган ёшларнинг олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

**Шаҳноза ЁҚУБОВА,**  
Бўка тумани 2-сонли ДНИ нотариуси.

Бободехқонларимизнинг йил бўйи қилган машаққатли меҳнати эвазига йиғиб олинган мўл ҳосилни сифатли ва самарали сақлашда дон қабул қилиш шохобчаларининг ўрни беқийс. Урим-йиғим мавсумида Окқўрғон тумани меҳнаткашлари республика хирмониغا 24 минг 650 тонна ҳосил топшириб, Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб шартномавий давлат режасини бажарди.

— Кексаларнинг айтишларича, омбор тўла донингиз бўлса, кўнгулнинг тўқ бўлармиш, — дейди **Тошкент дон маҳсулотлари ОАЖ-га қарашли Окқўрғон дон қабул қилиш шохобчаси раҳбари Тоирхўжа Мирзахўжаев**. — Бу айни ҳақиқат. Мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ, биламизки, мухтарам Юртбошимиз мамлакатимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни улкан стратегия вази-фа сифатида қўйиб, галла мустақиллигини олий мақсад қилиб белгилаган эди. Яратганга шукрлар бўлсинки, жуда қисқа муддатда бундай эзгу ниятга етдик. Ўтган давр мобайнида олайлик, бизнинг туманда галлачилик йўналишида самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, бу йил 8978 гектарлик ер майдонига тезпишар ва сифатли галла уруғлари сочилган эди. Туманимизда галланинг "Замин", "Саидазиз", "Кума" навларидан 60-70 центнердан, "Таня", "Москвич" навларидан 60-65 центнердан ҳосил олинган бўлса, икки йилдан бери экилаётган сувсизликка чидамли "Ясовул" навидан 55-60 центнер галла олишга эришилди. Ҳатто

С.Сегизбоев ҳудудидаги сувли жойлардан "Дилшод" фермер хўжалиги галлакорлари 100 центнердан, "Эргаш Саиджаҳон" фермер хўжалиги 75-80 центнердан, "Баҳром" фермер хўжалиги 70-75 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Мавсумда фидоийлик кўрсатган ходимларимиздан лаборатория техник лаборанти Мирзо Акбаров, ҳисобчи Шерзод Қодиров, қолаверса, яқиндагина иш билан таъминланган 10 нафар коллеж битирувчилари номларини ҳам фахр билан тилга олиш мумкин.

— Ер ҳосилнинг онаси бўлса, отаси меҳнат, — дейди **Ҳамид Олимжон фермерлар уюшмасининг худудий раиси, тажрибали фермер Бурхон Курбонов**. — Деҳқоннинг захматли меҳнати меваси

## РИЗҚИНГИЗ БУТҮН БЎЛСИН



галвирини сувдан кўтариш жойи — хирмонда аён бўлади. Бизнинг худудда 24 та фермер хўжалик бўлиб, ўтган йили куз ойида яхши ниятлар билан 643 гектарга уруғ эккандик. Маҳаллий ва минерал ўғитларни ўз вақтида солиниши, суғоришни бир меъёрада олиб бориш натижасида туманда биринчи бўлиб режани бажардик. Гектаридан ўртача 50

центнердан ҳосил олинди.

Дарвоқе, бугунги кунда етиштирилган ризқ-рўзимиз ортидан келаётган даромад ва фаровонлик сарҳисобини қилаётган деҳқонларга дастурхонингиз ҳамisha тўкин-сочин бўлсин, деймиш.

**Нигора ЭРКИНБОЙ қизи,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

...Ховлидан эшитилаётган гала-говурдан уйғониб кетган Сарвиноз шошиб ёнига қаради. Эри ҳали қайтмабди. Соат эса тунги 2.00. Ҳам ҳайрат, ҳам кўркүс билан ташқарига чиқди. Қайнонаси додлаб, “Болам”лаб, қайнонаси эса худда юраги огриётгандек кўксини ушлаганча машинага ўтирди. Рўзда қайнукаси. Биргалашиб қаергадир шошилиб кетишди. Қандайдир нохушлик бўлганини англаган Сарвиноз эшикка суюнганча ўтириб қолди. Унинг бу ховлига келин бўлиб тушганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлмаган эди...

Мансур унга совчи кўймоқчи бўлаётганини билгунча, ҳаёти жуда тинч ва сокин эди. Ҳамма галва у бу гапни онасига айтганидан кейин бошланди. Тўғри, Мансур куёв қилишга арзигулик ишли, ўқимишли, келишган ва бадавлат йигит эди. У ширин сўзлар, гуллар ва қиммат совгалар билан қизни ўзига махлиё қилди. Шу боис Сарвиноз унинг оилани эканини билганидан кейин ҳам йигитдан хафа бўлмади. Сири ошкор бўлган Мансур бувисининг васияти билан севмай, жуда ёш уйланганини, ҳатто ўрталарида фарзанд ҳам йўқлигини, хотини билан ажрашмоқчилигини айтди. Аммо бу гапларни эшитган дадаси Пўлат ака чунон жазавога тушди-ки, оқибатда қизини ҳатто ўқишга ҳам юбормай, уйига қамаб қўйди. Сўнг Сарвинозга бир оғиз айтмай, анчадан буён уни сўраб юрган ўртоғининг ўлганига узишга қарор қилди!

Шу тариқа Сарвиноз Диёр билан учрашувга чиқди. Қизнинг норозилиги юзидан сезилиб турса-да, йигит уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганди...

Ҳеч қанча вақт ўтмай тўйлари бўлди. Келинчак бўлганидан сўнг Сарвинознинг кўнглидаги туйғулари ўзгара бошлади. Янги оилга тез кўнликди. Айниқса, қайнонаси унга ёқиб тушганди. Бу аёл бироз димоғдор кўринса-да, жуда меҳрибон эди. Сарвинознинг эпложмаган ишидан ҳам айб топмас, қайтанга эринмай ҳамма ишларни келинига ўргатарди. Фақат унинг эри билан чиқиши қийин бўлди. Келинчакнинг рўйхушлик бермаётганидан куёв ҳам сиқиларди. Аммо унинг кўнглига қарарди.

Уша кун Диёр унга: “Бугун ўртоғининг тўйи, бирга борамиз”, деганида у кўнликди. Диёр бир ўзи тўйга отланди. Сарвинознинг эса эрталабдан буён кайфияти йўқ эди. Кейинги пайтда Мансурдан келаётган sms хабарлар негадир унинг кўнглига оғир ботаётган, гашига тега бошлаганди. Бошқа бировдан sms хабарлар олиб, уни авайлаб, кўнглига қараётган эрига хиёнат қилаётганидан виждони азобланар, шу боис Мансурнинг хатларига жавоб бермас, телефонда ҳам тузуқроқ гаплашмасди. Эрини кузатгач, майда-чуйда юмушларини тугатиб, хонасига кирди. Шу тобда у ўзини икки ўт орасида ёнаётгандек ҳис этарди. Шу маҳал қўл телефони келган

Қиш кунлари эди. Тунги билан ёққан қордан сўнг йўллар музга айланган. Машиналар ҳам аста-секин, шошмасдан ҳаракатланарди. Дўстим иккимиз безорлик қилиб қайтаётгандик. Бекат йўловчилар билан тўла. Юкларимиз оғир бўлгани учун таксида кетмоқчи бўлдик. Бекатдаги одамлар орасидан қўшимиз Абдусамад амаки чиқиб, бизга ҳамроҳ бўлди. У киши кўп йиллардан буён биз ўқиган мактабда қоровул бўлиб ишларди. Доим ҳазил-мутўйба билан кўринганини кулдириб юрарди. Йўл-йўлақай бизга ҳам қизиқ-қизиқ хангомамарини айтиб, кулдириб келди. Манзилга етгач, дўстим уларга ҳам йўл ҳақиқини тўлаб юборди. Машинадан тушиб, энди уй-ўйимизга тарқаймиш деб турганимизда дўстим чўнтақларини кавлаб:

— Телефоним сенда эмасми?

— деб қолди.

— Йўқ, — дедим мен ҳам чўнтагимга қўл солиб.

— Балки таксида қолдиргандирсан, — деди Абдусамад амаки.

Телефонимдан унга кўнғироқ қилдим. Рақам ўчирилган эди. — Аниқ биламан, таксига чиқаётганимда қўлимда эди, — деди дўстим сумкаларини менга тутқазиб. — Балки қирақаш ҳали узоқлаб кетмагандир.

Дўстим тезда бошқа бир машинага ўтириб, уша машина ортидан кетди. Абдусамад амаки эса, “Ҳа болам, шунинг айтишига керак-да, эҳсоннинг кети кесилган, деб”, деганча уйига кириб кетдилар. Ёши олтишидан ошган, кўпни кўрган, набирали одамнинг эҳсондек савоб иш



sms хабарнинг овози яна хаёлини бузди. Хат яна Мансурдан экан. “Сени жуда соғиндим”, деб ёзибди. Сарвинознинг юрагини кучли хавотир чулғаб олди. Smsни ўчирмоқчи бўлиб турганида, қўлидаги аппарати жиринглай бошлади. Ундаги таниш рақамни кўриб, ҳам ҳаяжон, ҳам хавотир билан қизил тумбачани босди. Телефон қайта-қайта жиринглайвергач, гаплашишга қарор қилди.

— Дарров мени унутдингми Сарвиноз? — деди Мансур ўпқаланганнамо оҳангда.

Хар доим унга ёқимли туюлган Мансурнинг овози ҳозир сира ёқмаётганди.

— Энди оилани аёлман. Мени бошқа безовта қилман, — деди Сарвиноз.

— Мен бўлсам, сенинг ажрашишингни кутиб юрибман.

— Мен... мен эрим билан ажрашмоқчимасман.

— Нима бало, эрингни севиб қолдингми, дейман? “Тенгиммассиз деб юрардинг”, энди тенгинг бўлгандирман, эринг билан ажраш Сарвиноз, ўзим сенга уйланаман...

Мансур гапини ўйламай гапирадиган йигит эди. Шу сабаб Сарвиноз унга жahl қилмади. Аммо уни тинч қўйишини қатъий оҳангда сўради. Улар узоқ тортишишди. Сарвиноз қизишиб кетди. Ҳатто қаерда эканлигиниям унутди. Эри хонага кириб келганини ҳам сезмай қолди. Кимдир

телефонни қўлидан юлқиб олганидан кейингина, ўзига келди. Диёр эса гўшакни қулоғига босганча индамай Мансурнинг гапларини бироз тинглади-ю, телефонни деворга қаратиб улоқтириб юборди.

— Ким?! — деди у Сарвинозга важоҳат билан тикилиб.

— Қани айт менга, ким эди у?! Ҳаммасини эшитдим, гапир, сенга ким бўлади у?!

Диёр хотинини икки билагидан ушлаб силталай бошлади. У қанчалик газабланса шунчалик шивирлаб гапирарди.

— Кўйворинг мени! — Сарвиноз бақирганча унинг чангалидан кутулиб олди ва йилганча:

— Мен учун у ҳечкиммас, ҳеч ким! Сизга керак бўлса ўзингиз таниб олинг... — деди баланд овозда.

Диёр унга бироз тикилиб турди-да, бўшашганча хонадан чиқиб кетди. Бир оздан сўнг кўча эшикнинг тарақлагани, Диёрнинг машинаси уйдан узоқлашгани эшитилди. Атрофни эса аллақачон қоронғулик қоплаб бўлган эди.

Бўлиб ўтган бу можарони уйда икки ёшдан бошқа ҳеч ким билмади. Сарвиноз эрининг қаерга чиқиб кетганини билмасди. Ўғлини сўраган қайнона-қайнонасига ҳам елка қисиб қўя қолди. Шу билан ярим тун бўлди. Диёрни кута-кута кўзи илинган Сарвиноз эса уйғонгач, бу воқеанинг устидан чиқди.

Уйдан шахд билан чиқиб кетган Диёр ўша кунга қаерга боришини билмай қолди. У шу маҳал фақат ёлғиз қолишни истарди. У ҳаётида жуда кўп чиройли қизларни учратган, лекин ҳеч кимни ўз хотиничалик севмаганиди. Сарвиноз эса йигитнинг орзусидаги қиз эди гўё. У бугунги воқеадан сўнг

## Буни ҳаёт дейдилар

буёғига нима қилишни ўйларди. Нимадан воз кечсин? Севгисидан, оила-сидан ё фуруриданми, ёки... Ана шундай ҳаёллар билан кетаётган Диёр қизил чироқдан ўтиб кетганини англамади ва йўлни кесиб ўтаётган машинага зарб билан уриди...

Эртасига кечки пайт шифохонада ўзига келган Диёр кўзларини аранг очаркан, унга хавотирланганча тикилиб турган хотинини кўрди. Йигитнинг кўзи очилиши билан Сарвиноз ёш боладай югуриб, сакраб, қувончи ичига сиғмай, шифокорларни чақира бошлади. Хотинининг бу қилигидан оғриқ зўридан инграгудек бўлиб ётган Диёрнинг кулгуси қис-тади.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бу ўртада Диёр хотини билан деярли гаплашмади. Лекин ўтган қисқагина вақт уларни бир-бирига меҳр ва муҳаббат ришталари билан боғлади. Аммо Диёрнинг юраги ҳамон гаш эди. У хотинининг софлигига ишонч ҳосил қилган бўлса-да, ўша кунги дилхираликни унутолмаганди. Сарвиноз ҳам эрининг кўзига қаролмас, уни айбдорлик хисси қийнарди.

Ва ниҳоят шифохонадан уйга қайтишди. Шифтга термилганча ётган Диёр атрофида парвона бўлаётган хотинидан:

— Нега ҳалиям шу ердасан? — деб сўради.

Сарвиноз бир зум жим бўлиб унга тикилиб қолди. Сўнг кўзлари билан ер чизганча:

— Уйим, эрим шу ерда бўлганидан кейин мен қаергаям кетардим, — дея пичирлади.

Сарвиноз меҳри тушиб улгурган бу уйни, уни севиши шундоқ билиниб турган эрини ростдан ҳам ташлаб кетгиси йўқ эди. Агар ҳозир уни ҳайдаб солишса ҳам ҳеч қаерга кетмасликка аҳд қилиб турганди. Диёр юзлари қизарганча ерга қараб тик турган хотинига синчиклаб тикиларкан:

— Менга турмушга чиққанингдан хафамасмисан? — деди.

Сарвиноз бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ!!!

Хонага жимлик чўқди. Хотинининг ҳали ҳам тик турганини кўрган Диёрнинг кўнгли ёришди.

— Бугун менга овқат берасанми ё йўқми...? — деди ва иккаласи барабарига қулиб юборишди. Уларнинг кулгуси ҳовлигаям эшитилди. Боласининг омонлигидан кўнгли тинчиб, сўрида елпиниб ўтирган қайнона ҳам мамнунлик билан жилмайиб қўйди.

Гулноза БОБОЕВА.

## ЭҲСОННИНГ ЖАВОБИ

ҳақида шундай фикр билдириши ростини айтсам, менга жуда эриш туюлди. Бунинг устига уша “кети кесилган” эҳсон айнан мана шу одамга қилиниб турса-ю, у эса “мушкулнинг осон бўлсин” дейиш ўрнига бошқа сўз айтиб турса...

Ҳай майли, мен уларга бу борада бир нима дейишни ноқулай эди. Хайрлашиб уйимга кирдим. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ошнам ўзининг телефонидан менга кўнғироқ қилиб қолди.

— Таксига чиқаётганимда бекат олдида чўнтагимдан тушиб қолган экан, — деди у. — Ерга тушиб батареякаси чиқиб кетибди, шунинг учун телефон қилганимда “ўчирилган” деган жавоб келибди. Аввалига ҳайдовчинини топа олмадим, кейин ноу-

мид бўлиб, уша бекатга келдим. Атрофега олазрак бўлиб қараб, ниманидир қидираётганимни кўриб бир йигит ёнимга келиб, “Нимани ўқотдингиз ака?”, деб сўради. Мен унга эътибор бермай, “телефонимни” деб жавоб бердим. “Мабодо мана бу эмасми”, деб у менга телефонимни кўрсатса бўладими?! Бу савоб-талаб йигитчага миннатдорчилик билдириб қайтъялман.

Орадан икки кун ўтиб, кўчада дўстим билан гаплашиб тургандик, ёнимиздан мактабга, навбатчиликни ўташ учун кетаётган Абдусамад амаки ўтиб қолдилар. Салом-алиқдан сўнг уша кунги воқеани эсладик. Дўстим бир чеккадан ҳаммасини гапириб берган, Абдусамад амаки:

## Ойна

— Ҳа, топилган бўлса яхши. Сен кетишин билан дўстингга айтиб турганидан, “Эҳсоннинг кети кесилган” деганларни шу бўлса керак дея.

Дўстим менга қараб жилмайиб қўйди ва шундай жавоб берди.

— Уша кунни сизга қилган яхшилигим Худого хуш келган эканми, телефоним текинизга ташёр бўлган ноинсоф кимсанинг эмас, инсофли одамнинг қўлига тушибди. Менимча уша эҳсоним учун ҳам телефонимни топдим.

Абдусамад амаки мана дейишини билмай ўнғайсизланиб қолди. Дўстим эса жилмайиб гапида давом этди:

— Ёшлигимда бобом раҳматлик, “Эҳсоннинг жавоби — эҳсон бўлади” деб кўп гапирардилар.

Зафар ОЛИМОВ.



## ИЛК ҚЎЛ СОАТЛАРИ

Биз турли кўриниш ва ҳажмдаги соатлар тарихига оид маълумотларни келтирган эдик. Бу гал қўл соатларининг яратилиш тарихига эътиборингизни тортмоқчимиз.

Қўл соатлари чўнтак ва осма соатлар каби узоқ ўтмишга эга эмас. Илк қўл соати билакузук шаклида ишланган. Уни 1809 йили парижлик Нитон исмли заргар Наполеон I нинг аёли Жозефина буюртмасига кўра ясаган. Жозефинанинг келинига никоҳ совғаси бўлган ушбу билакузуқларнинг бирида соат, иккинчисидо календарь ишланган эди. Бу



ихтирога ўша даврда унча эътибор қаратилмаган. Чунки, билакузукка ўрнатилган соат катта ва тақиб юришга ноқулай эди.

1850 йилда билакузукли соатлар Францияда оммалаша бошлади. Швед соатсозлари 1880 йили илк буюртмани олишди ва денгиз ҳарбийлари учун қўл соатлари ясай бошладилар. 1907 йилдан бошлаб Европада думалоқ шаклдаги қўл соатлари ишлаб чиқарилди. Қўл соатларининг турли хил шакллари 1913 йилга келиб ишланган.

Биринчи ҳажон уруши қўл соатлари оммалашувига катта туртки бўлади. Уруш давомида ҳарбийлар

барча унга эҳтиёж сезиб, буюртма берадилар. Соатсозлар қўл соатларини янада ривожлантириш, қулайлаштириш ва ихчамлаштириш йўллари йўлаб топилмаган. Сабаби, улар қўл соатларининг келажаги йўқ, одамлар барибир чўнтак соатларига эҳтиёж сезадилар, деган хулосага келишган. Лекин бу фикр ўз тасдиғини топмади. Секин-аста қўл соатлари тақиш урфга айланди. Бугунга келиб уларнинг кўплаб турлари мавжуд ва одамлар ўз кийиниш услуби, бажарадиган ишга қараб, ўзига мос қўл соатларидан фойдаланадилар.

Кўриниши ва туридан қатъи назар, соат инсоният яратган энг ноёб ва фойдали мўъжизадир.

**Наргиза СИДДИКОВА**  
тайёрлади.

## ҚАРИНДОШДАН БЕГОНА ЯХШИ

Синглим Саида билан ёшлигимиздан келажақда қуда бўламыз деб ҳазиллашиб юрардик. Менда уч қиз бўлса, унда икки ўғил бор эди. 7 йил аввал икки қизимни бирваракайига узатдик. Уларнинг оилалари тинч, фарзандлари ҳам соғлом. Учинчи қизимни Саида келин қилиб олди. Тўйдан сўнг у бутунлай ўзгариб, қаттиққўл қайнона, зулмкор аёлга айланди. Қизим Камолага "Сабр қил, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, чидаб яшайвер", дейишдан бошқа чорам қолмади. Орадан 6 ойча ўтгач, қуёвим арзимаган сабабларни рўқач қилиб, ҳомиладор қизимни дўппулабди. Менга туруқхонадан кўнги-роқ қилишганида у ҳомиласидан ажралиб қолган экан. Текширувлар натижасида ҳомила бир неча кун аввал нобуд бўлганини аниқлашди. Шифокорлар бунга қариндошлар ўртасидаги никоҳ сабаб, дейишди. Синглим ҳам, қуёвим ҳам қизимнинг ҳолидан хабар олишмади. Боламинг аччиқ тақдирида фақат ўзимни айбладим. Уларни ажратишдан бошқа чорам қолмагани. Ҳозир қизим мен билан яшайди. Ҳамма нарсадан кўнгли совиб кетган. Яна турмушга чиқиб, ҳаётини янгидан бошласа, ҳаммаси изига тушиб кетар, деган мақсадда сизларга мурожаат қилаян. Камоланинг **ёши 25 да**. Тикуччилик билан шуғулланади. Бўй-бас-ти келишган. Иродали, уй жойи, касб-хунари йигит бўлса узатардик.

**КАРИМА опа,**  
Сурхондарё вилояти.

## АРАЗЧИ КУЁВ

Қизим Гулшодани икки йил олдин сирдарёлик бир йигитга турмушга узатгандик. У ёлғиз фарзанд бўлгани учун Икромжонни ичкўёв қилиб олди. Тўйгача унинг ота-онаси ҳам бу шартимизга рози бўлишди. Анвар коллежини тамомлаб, устачилик билан шуғулланиб юрган экан. Эримнинг машина тузатадиган хусусий устaxonаси бор эди. Бир ойлardan сўнг қуёв тушмағур ишдан халл билан кириб келди-ю, нарсаларини йи-

гиштириб, уйга кетаман, деб туриб олди. Кейинроқ билсак, ишчилардан бирини ноҳақ хафа қилгани учун хўжайиним уни қойиб берибди. Шунга аразлаб кетиб қолди. Қизимнинг келажаги учун аразчи қуёвнинг ортидан бориб, уйга қайтаришга ҳаракат қилиб кўрдик. Лекин у кўнмади. Шундан сўнг Анвар яна кўп жойларга ишга кирди. Аммо бирор ишни охиригача етказо олмади. Қаерга ишга жойлашса, бир ой ишлаб, жанжаллашиб қайтиб келади. Битта болани ҳам боқолмай, қизимга бошқа фарзанд



## Бахтли бўлинг

ту-гишнйям таъқиқлаб қўйди. Охири бир таниши орқали хорижга ишлагани кетди. Уч йил давомида хотинига бир сўм пул юбормади. Янги йил арафасида қизимга кўнғироқ қилиб, бошқа бир аёл билан яшаётганини айтибди. Бу нохуш хабарни эшитиб, бошимиз эгилди, қариндошлар олдида мулзам бўлдик. Охири ажрашишди. Яқинда неварам Шахризода 3 ёшга, Гулшода эса 30 ёшга тўлади. Уни отасиз ўсишини истамаймиз. Аммо энди ичкўёв қилиш ниятимиз йўқ. Уй-жойи бўлмаса ҳам ўз кунини ўзи кўрадиган, бир сўзлик, лафзи ҳалол йигит бўлса қизимизни узатамиз.

**ЎЛМАСОЙ,**  
Сирдарё вилояти.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## АНЖИР

Айни пишиқчилик пайтида бошқа мевалар каби анжирга ҳам эҳтиёж ортади. Унинг таркиби қанд, органик кислоталар, С, В1, В2 витаминлари, оксил, пектин, минерал тузларга бой бўлиб, фойдали хусусиятлари ҳам бисёр.

Табобатда мева ва баргларидан шифобахш восита сифатида фойдаланилади. Тўлиқ пишиб етилган меваси тери олиниб, янгилигида ёки қуритиб истеъмол қилинади.

Ибн Сино анжир мевасини балғам кўчирувчи ва йўтални қолдирувчи восита сифатида қўллаган. Балғам кўчирувчи дори сифатида анжир мевасини ейиш, йўтал қолдириш учун мевасини судга қайнатиб, истеъмол қилишни буюрган.

Халқ табобатида анжир жигар, талоқ ва ўпка касалликларининг олдини олишда қўлланилади. Ундан тутканок, асаб ва ичак хасталикларини даволашда ҳам фойдаланилади. Меваси ва қоқисидан тайёрланадиган дамлама йўтални тўхтатишга, балғам кўчишига ёрдам беради.



## Табиат — дорихона

Шарбати билан асал аралашмаси эса кўз шамоллашида фойдалидир. Томоқ шамоллаганида мевасининг дамламаси билан фарғара қилинса, ижобий натижа беради.

Шунингдек, анжир мевасининг иссиқ дамламаси яраларга ҳам даво. Бунинг учун дамламада намланган доқа яра устига қўйилади.

Тиббиётда сурги сифатида қўлланиладиган қафиол препарати таркибига анжир меваси ҳам киритилган. Анжир баргидан олинган доривор препарат тиббиётда пес касаллигига самарали фойда беради.

Йўталга қарши даво сифатида 100 гр. қуруқ анжир мевасига 2 стакан қайноқ сув қуйилади. Паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. 2-3 соат тиндирилгач, доқада сузилиб, ярим стакандан кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин истеъмол қилинади.

Анжирдан тайёрланган дамлавлардан фойдаланишдан аввал мутахассис билан маслаҳатлашинг.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**  
тайёрлади.

## МУҲАББАТ СОТИЛМАЙДИ

Жияним Зилолаҳон мактабни битиргач, тикуччилик, пазандалик, уй ҳамшираси каби курсларда ўқиб, кўплаб хуналарни ўрганди. Уни яхши бир оилага узатдик. Уйига меҳмон бўлиб борганимизда қайнонаси роса мактарди. Зилоланинг бахтидан ҳаммамиз мамнун эдик. Орадан ойлар ўтган сари жияним нимадандир хафадек кўрина бошлади. Камгап, хомуш юрарди. "Ҳомиладор бўлса, чарчаётгандир-да", деб бепарво бўлдик.

Аммо бир кун у дарду ҳасратини тўкиб солди. Билишимизча, қуёв бола навбатчилиқдаман, деб икки-уч кунлаб алдаб юраркан. Аниқлашса, у бошқа бир жувонга илақишиб қолибди. Зилола эри билан гаплашиб, оиласининг, туғилажак фарзандининг тақдири учун бўйўлдан қайтишини илтимос қилибди. Қуёв эса, "Истамасанг кетавер, мендан меҳр-муҳаббат кутма", дебди. Шундан кейин ҳам жияним ҳаммасини ичига ютиб яшаб юрaverибди. Устига устак эри Зилолани тез-тез урадиган бўлибди. Ҳамма гап ошкор бўлгач эса, қуёвнинг ота-онаси, маҳалла-қўй аралашиб ҳам уларнинг оиласини сақлаб қолиша олмади. Охири жияним ажрашишга ариза берди. Қуёв бола эса ҳатто судга ҳам келмади. Ҳозир Зилола 27 ёшда, ота-онаси билан яшайди. Ўғли Комронбек беш ёшда. Зилола доим қулиб турса-да, унинг ичидан нималар ўтаётганини ҳис қилиш қийин эмас. Минг афсуски, муҳаббат деганлар бозорда сотилмайди. Уни қадрлайдиган, иши тайин, уйим-жойим дейдиган, 35-40 ёшлар атрофидаги эркак бўлса узатардик.

**ҲОСИЛА опа,**  
Самарқанд шахри.

## Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

● Музлатилган гўштни қайнаб турган сувга солиб пиширгангиз маъқул. Чунки сув исиган сайин гўштининг таъми ва витаминлари йўқола бошлайди.

● Олмаларни узоқ вақт яхши сақлаш учун алоҳида-алоҳида қоғозга ўраб, қоронғу жойга олиб қўйинг.

● Балиқ тангачаларини тозалашдан олдин қўлингизни туз билан яхшилаб ишкалаб олсангиз сирғалиб кетмайди.

● Қовурилган гўшт мазази ва юмшоқ бўлиб пишиши учун қовуришдан аввал уни ювиб, қоғоз сочиқчада артиб олиш керак.

● Ошхонадаги шкафлар устида қоғоз тўшаб қўйганингиз маъқул. Негаки чанг ва ёғ йиғилиб қолса тозалашингиз қийин кечади. Қоғоз кирланса олиб ташлаб, бошқасини тўшайсиз.

● Бисквит хамирини эҳтиёткорлик билан секин-аста аралаштирмасангиз, у яхши кўтарилмайди. Натижада пиширингиз сиз кутгандек кўринишга эга бўлмайди.

● Пўстлоғи билан қайнатилган картошкаларда витаминлар яхши сақланади.

● Жигарни қовуришдан олдин 5 дақиқа судга солиб қўйсангиз у юмшоқгина бўлиб пишади.

**Гулноза БОБОЕВА** тайёрлади.

# НАМАНГАНДА БАХТ ТҮЙЛАРИ

Шерзодбек 24 ёшда. Аллақачон қалбига муҳаббат ташриф буюрган. Бироқ оиладаги етишмовчилик туйфайли кўнгил кўйган қизи Лайлонинг хонадонига совчи жўнатолмаётганди. Йигитнинг нияти холис экан, юртимизда бошланган «Ҳар бир вилоятда 50 та никоҳ ва суннат тўйлари» лойиҳаси сабабли орзуси ушалди. Лайло оппоқ келинлик либосини кийди, куёв бўлмиш Шерзодбек бахтдан сармат бўлди, тўй чинакам шодибнага айланиб кетди!..

Ўтган йили Фонд Форум, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Меҳр нури» жамоат жамгармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўй» лойиҳаси ўтказилган эди.

Кувонарлиси, жорий йилда ҳам бу хайрли иш давом этмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Ҳар бир вилоятда 50 та никоҳ ва суннат тўйлари!» лойиҳаси асосида Наманган шаҳри ва вилоят туманларида никоҳ ва суннат тўйлари уюштирилди.

Наманган шаҳридаги «Парвоз» тантаналар мажмуасида 11 жуфт кам таъминланган оилаларда вояга етган ёшларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тўй тантаналари бошланишидан аввал келин-куёвлар гуллар шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. «Тинчлик стелласи» ёнида эсдалик учун суратга тушдилар. Сўнг ўн битта сутдек оппоқ «Ласетти» автомашиналари келин-куёвларни «Парвоз»

тантаналар мажмуасига элтиди.

Тантанада вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзураҳон Азизова, Наманган шаҳар ҳокими Баҳодир Бекходжаевлар иштирок



этиди. Келин-куёвларга вилоят ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шу кун 2 нафар болажоннинг суннат тўйи ҳам бўлиб ўтди. Тўй болаларга ҳам совға-саломлар тақдим этилди. Уларнинг бегубор нигоҳларида қувонч балқиди.

— Бугун шунча ёшлар янги оила қурмоқда, — дейди Наманган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ферузахон Жалолова. — Бу тўйлар барчанинг қалбига меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтириб, бирдамликка ундамоқда. Юртимизда ҳеч бир инсон эътибордан четда эмаслигининг исботидир, бу тантаналар. Мустақиллигимизга кўз тегмасин, Ватанимиз тинч бўлсин, ёшлар бахтли бўлишсин!

Уйчи туманидаги «Ором» тўй ва тантаналар мажмуасига тўпланган меҳмонлар ўн жуфт келин-куёвнинг бахт шодибнасига гувоҳ бўлишди.

## Меҳр қолур...

Уйчи ва Чортоқ туманларида истиқомат қилувчи келин-куёвлар ёр-ёр садлари остида даврага кириб келишганида, барчанинг дилидан қутлуг тилаклар ўтди.

Тўй тантанасини Уйчи ва Чортоқ тумани ҳокимлари Муҳиддин Валиев ҳамда Алишер Бойхоновлар очиб, ёшларга бахт тиладилар, туман ҳокимликларининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар. Сўнгра ҳар икки туман ФХДЭ бўлимлари ходимлари томонидан келин-куёвларнинг никоҳи тантанали равишда қонуний қайд этилди.

— Бугун укам Хусниддиннинг ҳаётида унутилмас кун, — дейди қалби севиниб ва ҳаяжонга тўлган уйчилик Феруза Аҳмадалиева. — Уни келинимиз Шаҳнозаҳон билан тотув турмуш кеңиришини истаймиз. Уларнинг мана шундай бахтли лаҳзаларига сабабини бўлган, моддий ва маънавий ёрдами аямаган ҳукуматимиз, тўй ташкилотчилари, ҳомийларга чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

— Бу тантана фақатгина тўй эмас, балки халқимизнинг ўзига хос бағрикенглик, саховат, меҳр-оқибатлилик фазилатларининг намойиши десак, асло муболаға қилмаган бўламиз, — дейди чортоқлик Муассар Мирзааҳмедова. — Ижтимоий, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож оила фарзандлари бўлган бу жуфтликлар кураётган бахт кўрғонлари мустақкам бўлсин!

Бундай кўнгилли тантаналар Мингбулок, Косонсой, Поп, Чуст, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Зеро, гуллаб-яшнаётган заманимизга тўй-тантаналар ярашади. Уларда билдирилган қутлуг ниятлар, ҳаяжон ва шуқуҳга тўла дил изҳорлари Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги шодибнасирага уланиб кетиши шубҳасиз.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

## РУСЛАННИНГ РЕКОРДИ

Қозон шаҳрида давом этаётган XXVII Жаҳон универсиадасининг оғир атлетика бўйича ўтказилган баҳсларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчимиз Руслан Нуриддинов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эркалар ўртасидаги вазни 105 килограммгача бўлган баҳсда қатнашган тажрибали спортчимиз штангани даст кўтаришда 190 килограмм, силтаб кўтаришда 222 килограмм, иккикураш бўйича 412 килограмм натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди ва Жаҳон универсиадаси рекордини ўрнатди.

## «РЕАЛ»НИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Машхур Forbes журнали аънавий дунёнинг элликта энг қиммат клублари рейтингини тузди.

Бу сафар Мадриднинг «Реал» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Испания клуби биринчи ўридан «Манчестер Юнайтед»ни сиқиб чиқарди. Мадрид клуби 3,3 миллиард долларга баҳоланган. Бу эса «МЮ»га (3,165 млрд. доллар) қараганда 135 миллион долларга кўп.

Учинчи ўринни «Барселона» эгаллади. Каталония жамоасининг нархи 2,6 млрд. долларга баҳоланган.

Forbes рейтингига футбол клублари:

1. «Реал». 2. «МЮ». 3. «Барселона». 10. «Арсенал». 12. «Бавария». 37. «Милан». 40. «Челси».

Интернет манбалари асосида  
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.  
Ҳамшира (тежор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирнок, кеприк ўстириш ва дигепляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тикувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.  
Бисердан гуллар, дарахлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1998 йилда Левин Дмитрий Викторовичга берилган №196998 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2005 йилда Ашурова Гулнора Исраиловнага берилган М №029380 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг (ҳозирги ЎзДЖТУ) томонидан 1988 йилда Орлова Татьяна Николаевнага берилган МВ-1 №830151 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани Гулистон маҳалласи (Ҳасанбой 3-дахаси) Атаханов Шухрат Эркиновичга тегишли «Тиклаши» кўчасидаги 59-хонадоннинг уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежи томонидан 2004 йил Раджапов Илхом Муродович номига берилган К№069636-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46